



**Central Asian Journal
of STEM**

CERTIFICATE

Abdujabbarova M.

FOR PUBLICATION OF THE SCIENTIFIC ARTICLE
<https://zenodo.org/records/10678967>

КОРХОНАЛАРНИНГ ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

In Volume 1, Issue 1 of International scientific journal of “Central Asian
Journal of STEM”



ID: 7148/A5
DATE: 12.02.2024



AKMAL RUSTAMOV
CHIEF EDITOR

OpenAIRE | EXPLORE



Volume 1 • Issue 1 • FEBRUARY • 2024

ISSN: 2181-2934

Central Asian Journal of STEM

SCIENCE | TECHNOLOGY | ENGINEERING | MATH

Editors in Chief: Prof. Djamshid Kaniev & Prof. Akmal Rustamov





КОРХОНАЛАРНИНГ ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси доценти, PhD
e-mail: maamura@bk.ru

Аннотация. Мазкур мақолада операцион фаолият таҳлилининг мазмуни, илмий тадқиқотларда операцион фаолият тушунчасининг талқини, муаллифнинг таҳлил этиш методикаси келтирилган. Мақолада операцион фаолият таҳлилининг асосий йўналишлари, ташкил этиш босқичлари, таҳлил этиш жараёнидаги муҳим кўрсаткичлар тизими келтирилган.

Калит сўзлар: операцион фаолият, операцион фаолият таҳлили, операцион фаолият таҳлилининг йўналишлари, операцион фаолият таҳлилининг ташкил этиш босқичлари, операцион фаолият самарадорлиги, операцион фаолият рентабеллиги, маржинал фойда, операцион рисклар, операцион дастак самараси.

Abstract: This article explores the content of the analysis of operational activities, the presentation of the understanding of operational activity in scientific research, and the author's methodology for analysis. The main directions of operational activity analysis, stages of organization, and important indicators in the analysis process are highlighted in the article.

Keywords: operational activity, operational activity analysis, directions of operational activity analysis, stages of organizing operational activity analysis, operational efficiency, operational profitability, marginal profit, operational risks, operational leverage.

Кириш

Корхонанинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчилар талабини юқори сифатли маҳсулот ёки хизмат билан таъминлашдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражаси, унинг сифатининг ошиши бевосита корхонанинг фойдаси ва рентабеллигига таъсир кўрсатади. Шунингдек, унумдорлик ва рақобатбардошликни ошириш учун ҳам корхоналар операцион фаолият таҳлилини амалга оширишлари лозим.

Корхона ўз хўжалик-молиявий фаолиятини амалга оширишининг турли босқичларида бир қанча масалаларни ҳал этишига тўғри келади. Жумладан:

- корхонанинг қанча миқдорда капиталга эҳтиёжи мавжуд?
- қандай пул маблағларини жалб этиш мумкин?
- - қандай операцион рисклар мавжуд?

- - асосий воситаларни сотиб олиш мақбулми ёки ижарага олишми?
- - маҳсулотни қандай нархда сотиш маъкул?
- қайси турдаги маҳсулот(хизмат) ҳажмини ошириш ёки камайтириш лозим?

Адабиётлар таҳлили

Корхонанинг ҳаётийлиги барча турдаги ресурслар ва тадбиркорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланишни назарда тутаяди, деб ҳисоблайди. Корхона шундай ҳолатга ривожланиши мумкинлиги, фаолиятининг натижаларига биноан ишлаб чиқаришни узлуксиз ўз маблағлари ҳисобига олиб бориш имконига эга бўлса (Пармакли, 2020).

Компания операцион фаолиятининг таҳлили (CVP-анализ) молиявий таҳлилнинг бир тури ҳисобланади, корхонанинг жорий фаолиятига йўналтирилади ва бизнес учун потенциал рискларни аниқлаш имконини беради, хусусан

компания фаолиятининг кучли сегментар ва маҳсулот диверсификацияси шароитида долзарб ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – компания фойдалигининг харажатлар, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқлигини тадқиқ қилиш, яъни бизнес натижавийлигига бевосита таъсир этадиган омилларни аниқлашдир. Операцион фаолият таҳлили қисқа муддат давомида компания учун потенциал рискларни аниқлаш ва бизнес молиявий натижаларига салбий таъсирларни тўлиқ ёки камайтириш учун тегишли чораларни кўриш имконини беради (Кашуба ва б., 2016).

Операцион таҳлил корхонада молиявий таҳлилни бир элементи сифатида нафақат муаммони аниқлаш, балки компания ишининг оптимал вариантини моделлаштириш ва фаолият йўналишлари бўйича бизнес жараёнларни ташкил этиш имконини беради. Шу билан бирга, операцион таҳлил методологияси ханузгача ривожланыпти ва айрим йўналишлар бўйича қайта ишланиши лозим (Тюфанов ва б., 2019).

Операцион дастак (леверидж) сотишдан фойда ўзгариши даражасининг сотишдан соф тушум ўзгариши даражасидан нечи марта юқорилиги борасидаги саволга жавоб берадиган кўрсаткич ҳисобланади (Фомина ва б., 2011).

Операцион таҳлилни қўллашнинг асосий шарти харажатларни ўзгарувчан ва доимий қисмларга ажратиш имконияти ва мақсадга мувофиқлигидир. Операцион таҳлил фаолиятнинг истикболли ва зарарли турларини аниқлаш имконини беради, бунинг учун қоплаш суммаси, қоплаш суммаси коэффициенти, зарарсизлик нуктаси, рентабеллик чегараси, операцион дастак каби кўрсаткичлар ҳисобланади (Эйхлер, 2018).

Нарх, харажатлар, сотилган маҳсулот ҳажми ва тузилиши борасида қабул қилинган ҳар қандай қарор корxonанинг молиявий натижаларига жиддий таъсир кўрсатади. Маржинал таҳлил мазкур категориялар ўртасида алоқадорликни аниқлашнинг оддий ва аниқ усули ҳисобланади (Саранцева, 2017).

Замонавий бозор шароитида корхона мустақил равишда ўз фаолиятини, шунингдек, фойда, харажат, маҳсулот ассортиментини режалаштиради. Режалаштириш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишда маржинал таҳлил ёки зарарсизлик таҳлили муҳим рол ўйнайди (Ворожбит ва б., 2016).

Фикримизча, корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган ресурслар ва эришилган натижа ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш харажатларни камайтириш ҳамда фойда ҳажмини ошириш имконини беради (Абдужаборова, 2023).

Тадқиқотларимизга биноан, юқори фойдага эришиш учун: мавжуд ресурслардан тулик фойдаланиш; юқори технологияли асосий воситаларни жорий этиш; асосий воситаларни уз вақтида янгиланишини таъминлаш; ходимларнинг малака даражасини ошириш; корхона иш

сменалиги коэффицентини ошириш; ишлаб чиқариш жараёнига материаллар тайёрланишини яхшилаш; иш вақти фондининг йукотилишини камайтириш мақсадида меҳнатни тугри ташкил қилиш ва бошқариш лозим (Абдужаборова, 2019).

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида корхоналар операцион фаолият таҳлилининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, манتيкий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Операцион фаолият корxonанинг асосий фаолият тури ҳисобланади ҳамда корxonанинг асосий мақсади ҳам ушбу фаолиятни ташкил этишдан иборатдир. Корхона операцион фаолияти у мансуб бўлган иқтисодиёт тармоғи хусусиятларига боғлиқдир.

Инвестицион ва молиявий фаолият кўшимча фаолият турлари бўлиб, операцион фаолиятга шароит яратиш учун хизмат қилади.

Операцион даромад операцион фаолият натижасида олинадиган даромад бўлиб, корхона фаолиятининг асосий молиявий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, операцион фаолият давомида сарфланадиган харажатлар операцион харажатлар дейилади.

Операцион фаолиятнинг молиявий натижаси операцион фойда (зарар) ҳисобланади. У маржинал ва ялпи фойда кўринишида юзага чиқади.

Маржинал фойда соф операцион даромад ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги тафовутдир.

Операцион фаолиятни таҳлил этишдан мақсад корхона молиявий натижаларининг маҳсулот сотиш ҳажми ва харажатларига боғлиқлигини ўрганишдир.

Операцион фаолиятнинг вазифаси корxonанинг барқарор молиявий ҳолати ва унинг даромадлигини таъминлашдир. Шу боис ушбу фаолиятдаги асосий мақсад ва муаммоларни батафсил ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш муҳимдир.

Операцион фаолиятнинг бир қанча муҳим белгилари мавжуд:

- Операцион фаолият хўжалик фаолиятининг асосий элементи ҳисобланади, корxonанинг асосий харажатлари ва даромадлари унга мансуб бўлади.

- Раҳбар ходимлар диққатининг марказида бўлади, бошқа фаолият турлари уни тўлдиришга хизмат қилади.

- Корxonанинг операцион фаолияти кўрсаткичлари корхона ҳаёт цикли ҳолатини белгилашга асос бўлади.

- Операцион фаолият доирасида амалга ошириладиган операциялар тизимлилик тавсифига эга.

- Операцион фаолият бошқа фаолият турларига нисбатан кўп меҳнат сиғимли ҳисобланади.

Операцион фаолият таҳлилининг оддий ва самарали усули CVP анализ ҳисобланади. CVP анализ зарарсизлик таҳлили деб ҳам номланади. Зарарсизлик таҳлили бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Корхона раҳбарияти мунтазам равишда ресурслардан фойдаланиш, харажатлар ва сотиш ҳажми бўйича қарорлар қабул қилади. Харажатлар ва фойда ҳажми бўйича прогнозларнинг тўғри амалга оширилиши корхона муваффақиятининг асоси ҳисобланади.

Б.П.Қличев ўз тадқиқотларида корхоналарда юқори самарадорликка эришиш учун операцион фаолият таҳлилини куйидаги йўналишларда ташкил этишни таклиф қилади[8]:

1. Товар-моддий захиралар ва бошқа иқтисодий ресурслар билан таъминланганлик ҳолати бўйича.
2. Меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича.
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми бўйича.
4. Активлар ўсиши ва уларнинг структураси бўйича.
5. Ишбилармонлик фаоллиги бўйича.

Фикримизча, операцион фаолият таҳлили куйидаги босқичларда амалга оширилади:

Биринчи босқичда операцион фаолият таҳлилининг масади, вазибалари, объекти, субъектлари, асосий элементларини белгилаш.

Иккинчи босқичда операцион фаолият таҳлили учун мавжуд ахборотлар йиғилади ва уларнинг ишончлилиги баҳоланади.

Учинчи босқичда операцион фаолиятнинг тегишли ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг сифати ва заҳира ҳолати ўрганилади.

Тўртинчи босқичда ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиш ҳажми ҳамда улар бўйича режанинг бажарилиши таҳлил қилинади.

Бешинчи босқичда зарарсизлик таҳлили амалга оширилади.

Олтинчи босқичда операцион фаолиятнинг самарадорлиги ва уларнинг ўзгариш сабаблари(омилли таҳлил)баҳоланади.

Еттинчи босқичда операцион фаолиятнинг ижобий молиявий натижага эгаллиги ва рентабеллик даражаси таҳлил қилинади ҳамда ўзгариш сабаблари(омилли таҳлил) амалга оширилади.

Саккизинчи босқичда операцион фаолиятга умумий тавсиф берилади ва тегишлича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Тадқиқотларимизга биноан, операцион фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари куйидагилар ҳисобланади(1-жадвал):

Операцион фаолият таҳлилининг муҳим кўрсаткичлари

1-жадвал

Кўрсаткичлар	Аниқланиши	Изоҳ
Операцион активлар коэффиценти	Операцион фаолиятда фойдаланилаётган активларнинг жами активларга нисбати	Коэффициент айнан операцион фаолиятга хизмат қилаётган активлар улушини аниқлаш имконини беради.
Операцион фаолият давомийлиги коэффиценти	Кўрсаткич материал ресурсларни сотиб олиш даврдан уни товарга айланиб ўз харидорини топишгача бўлган даврни ўз ичига олади.	Операцион фаолият йўналтирилган маблағларнинг тез фурсатда қайтишини таъминлайди.
Операцион фаолиятдаги ресурслар самарадорлиги коэффиценти	Яратилган маҳсулот (хизмат) ҳажмини сарфланган ресурслар (асосий воситалар, материал ресурслар, ходимлар)га қиймати(сони)га нисбати	Операцион фаолиятдаги ресурслардан самарали фойдаланиш операцион фаолиятнинг ижобий молиявий натижавийлигини таъминлайди.
Операцион дастак самараси	Маржинал фойда ва сотиш фойдасининг нисбати	Кўрсаткич харажатларни оқилона бошқариш орқали маҳсулот(хизмат) таннархи таркибида доимий харажатларнинг улушини камайтириш имконини беради.
Бир ходимга тўғри келадиган фойда коэффиценти	Операцион фаолият давомида яратилган маҳсулот(хизмат) ҳажмини ходимлар сонига нисбати	Зеро айнан ходимларнинг самарадорлиги фойда ҳажми ва рентабеллик кўрсаткичларининг даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Кўрсаткич шунингдек, ҳар бир ходимнинг фаолиятини алоҳида баҳолашни тақозо қилади.

Ишлаб рентабеллиги	чиқариш	Соф ишлаб воситаларнинг киймати захиралар	фойда чиқаришдаги қолдиқ ва товар-моддий суммасининг асосий қолдиқ ва товар-моддий суммасига нисбати	Кўрсаткич фаолиятга фойдалиги	корхонанинг ресурсларининг ифодалайди.
-----------------------	---------	---	---	-------------------------------------	--

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг меъёр даражасини белгилаш корхонанинг бошқарув сиёсатига боғлиқ. Одатда мазкур кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш динамикаси мақбул саналади.

Операцион фаолият кўрсаткичларининг ижобий натижага эга эмаслиги корхонанинг барча молиявий кўрсаткичларининг салбий кўриниш эгаллашига олиб келади, фаолияти ва келажагини хавф остига қўяди.

Хулоса ва таклифлар

Операцион фаолият тахлили давомида корхонанинг ички хўжалик жараёнлари тадқиқ этилади. Операцион фаолият тахлили корхона раҳбарияти, бошқарувчилари, мулк эгалари учун

бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Операцион фаолиятдаги ўзгаришлар тахлили ўз вақтида мавжуд рискларга таъсир кўрсатиш ва рақобатбардошлик даражасини ўрганиш имконини беради. Корхона фойда ҳажми ва рентабеллик даражаси бевосита операцион фаолиятнинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ.

Операцион фаолият тахлили корхонанинг ожиз томонларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш, самарадорлик даражаси паст бўлган активларни бошқариш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдужаборова М.Т. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти самарадорлиги тахлили. *International Journal of Finance and Digitalization*. ISSN: 2181-3957 Vol. 2 Issue 03, 2023.
2. Абдужаборова М.Т. Корхона фойдасини бошқариш ва таҳлил этишнинг аҳамияти. *Иқтисодиёт ва таълим*. №1, 2019.
3. Ворожит Е.Г., Выхребенцева А.С., Ласкина М.В. Управление ассортиментом и прибылью на основе маржинального анализа. *Интернет-журнал Науковедение*. №1 (32), 2016.
4. Кашуба В.О., Цой А. В. - Факторный анализ операционной деятельности как инструмент мониторинга выполнения поставленных целей // *Молодой ученый*. 2016. №28(132). -С.432-434.
5. Пармакли Д.М. Операционный леверидж как показатель типа воспроизводства в сельском хозяйстве. *Комратский государственный университет, г.Комрат, Республика Молдова, Международный сельскохозяйственный журнал*, №1, 2020.
6. Саранцева Е.Г. Обоснование управленческих решений на основе маржинального анализа. *Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева*, №2, 2017.
7. Тюфанов В.А., Григигян Э.А. Развитие методических основ операционного анализа. *Economic Consultant*, №2(26), 2019.
8. Фомина И.А., Пирог А.И. Эффект операционного рычага в системе маржинального анализа. *ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ*. №3(65), 2011.
9. Эйхлер Л.В. Использование операционного анализа при управлении финансовыми результатами автотранспортной организации. *Вестник Сибирской государственной автомобильно-дорожной академии* том 15, №1 2018.
10. Кличев Бахтиёр Пардаевич. Операцион фаолият тахлилини ташкил этиш масалалари. *World scientific research journal*. Volume 12, Issue 2, February 2023. 263-271 б.